

13. Гоявий чархпалак

Таърифи

1. Кичик гурухнинг (4-5 кишидан иборат) ҳар бир иштирокчисига тоза оқ варақ берилади ва бир хил савол берилади (зарур бўлганда ўқитувчи гурухнинг ҳар бир иштирокчиси учун турли саволларни тайёрлаши ва таклиф қилиши мумкин). Барча иштирокчилар оғзаки фикр алмашмасдан, ўзларининг варакларида саволларга бўлган жавобларнинг ўз-ўзидан ақлга келиб қоладиган ифодаларини ёзадилар.
2. Ифодалар ёзилган вараклар вақт танқислиги сабабли соат милларининг ҳаракатланиши бўйича кичик гурухдаги қўшниларга узатилади. Бундай варакни олгандан сўнг ҳар бир иштирокчи варакда мавжуд ёзувларни тақрорламасдан, янги ёзув киритиши лозим. Ҳар бир иштирокчининг вараги яна ўзига қайтиб келгандан сўнг иш якунланади. Ушбу босқичда ёзувлар таҳлил қилинмайди, баҳоланмайди ва танлаб олинмайди (ушбу услубиятнинг «ақлий хужум» билан айрим ўхшашлиги ана шунда намоён бўлади).
3. Кичик гурухларда иштирокчилар томонидан ифодаланган жавоблар ва тақлифларнинг муҳокамаси ўтказилиб, уларнинг энг муҳимлари ва долзарблари якуний рўйхатга киритилади.
4. Кичик гурухлар ишланмаларининг натижалари билан алмашиш. Барча кичик гурухлар навбатма-навбат якуний рўйхатдан ўз ифодаларини тақлиф этадилар. Агар бу ифода юзасидан бошқа гурухлар эътиroz билдириласалар у охирги рўйхатга киритилади.

Фойдаланиш доиралари

Табиий ва аниқ фанларни ўқитишда, топшириқлар маълум ўқув мавзусига ва маълум ёшдаги ўқувчилар гуруҳига мослаштирилгандан кейин.

Афзаликлари

Тақлиф этилган масалаларни изчил муҳокама қилишни ташкил этиш, сўнг жамоа бўлиб қарорни қабул қилиш; билимларни долзарблаштириш ва мавжуд тажрибани аниқлаш.

Кийинчиликлари

Агар иштирокчилардан бири ушбу мавзу бўйича яхши тайёрланмаган бўлса, у бутун жараённи тўхтатиб қолиши мумкин. Мазкур вазиятда ўқувчига муҳокама этилаётган масалалар бўйича дарсликдан ёки бошқа адабиётдан фойдаланишга рухсат бериш мумкин, лекин бу унинг баҳосига албатта таъсир кўрсатиши тўғрисида огоҳлантириб қўйиш керак.